

---

## ВОДИЛЛИКЛАР ШУКРОНА БИЛАН ЯШАЙМИЗ!

**Пандемия ҳаётимиздаги камчиликларни, кўплаб масалаларни турмушга татбиқ этиш вақти келганини кўрсатиб берди. Эътибор бермаган, балки назаримизга ҳам илмаган муаммолар кўзгуда ўзимизни ўзимизга кўрсатди.** Ярим йилдан ошдики, коронавирус пандемияси бутун дунё кун тартибида турган долзарб масаладир. Бу бало дунё аҳлини лол қолдирияпти. Ҳозиргача давоси топилмаяпти. Карантин талаблари ҳаётимизга, турмушимизга, иқтисодиётимиз қолаверса аҳоли даромадларига ўз таъсирини ўтказди. Қанчадан қанча одамларимиз ишсиз қолди. Ана шу жараёнда аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ ислохотларни жадаллаштириш, бу борада самарали чораларни тезкорлик билан ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш энг биринчи масала эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, дейди— водиллик маҳалла фаоллари билан учрашувда Фарғона тумани ҳокими Шухратжон Мўминов.

Очиқлик ва ошкоралик тарзда ўтган учрашувда туман ҳокими одамлар билан чин дилдан мулоқат қилди. Бу ерда ҳам фуқаролар ўзларини қийнаётган масалалар юзасидан туман раҳбарига юзландилар.

Туманимиз раҳбари барча ечимини кутаётган масалаларни ижобий ҳал этилишига, уларни бирма-бир раҳбарлар билан ўрганиб, барча мурожаатлар назоратга олинганлигини таъкидлаб ўтди.

Ғофуржон Йўлдошев кўп йиллар халқ хизматида бўлган, маҳалладошларининг иссиқ совуқ кунларида асқотган фаоллардан бири. Тадбирда сўз олиб аввало туман ҳокимининг фаолиятига омадлар тилаб, ҳар қандай шароитда янги раҳбар Шухратжон Мўминовни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

— Ёшим 70дан ошди. Неча-неча раҳбарларни кўрдик. Ҳанузгача биронта раҳбарни халқни ичига кириб мулоқот қилганини билмаймиз. Янги ҳокими Шухратжон бир неча маҳалламизга келиб кам таъминланган, ночор “Темир дафтарга” киритилган оилалар ҳаёти, турмуш шароити билан танишиб кетдилар. Кам таъминланганларга ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Менга Ш.Мўминовнинг шижоати, одамлар билан муомласи маъқул келди. Энг асосийси ваъда бердим бажарар экан. Бундай раҳбарлар сира кам бўлмайдилар. Биз маҳалла фаоллари ҳокимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Доимо халқимиз бахтига саломат бўлсинлар дейди— фаоллардан бири Солижон Пўлатов.

— Биз водилликлар шукроналик билан яшашимиз керак. Тўғри айрим муаммолар йўқ эмас. Уларни ҳал этиш мумкин. Ҳадеб нолаверсак, ишимизда унум бўлмайди. Бу Аллога хуш келмайди. Ҳар биримиз келажакни ўйлаб иш юритишимиз керак. Мен туманимиз ҳокимини биринчи марта кўрдим. Анча дадил, кўринишидан ишчан, серҳаракат, шижоатли, бир сўзли инсонга ўхшайди. Мен Ёшларобод ўрамига саноат корхонаси қурилишига ёрдам сўрадим. Чунки, қишлоғимизнинг 80 фоизидан ортиғи адашмасам ёшлардан иборат. Агар саноат корхонаси қурилиб фойдаланишга топширилса, оддий муамоларимиз ўз-ўзидан ҳал бўлаверади. Мен туман ҳокими ишларига Яратгандан ривож, ўзларига сиҳат-саломатлик тилайман, дейди— Беруний МФЙ раисининг кексалар ва фахрийлар бўйича маслаҳатчиси, Абдумўмин Дадажонов.



**Фарғона тумани Ахборот хизмати.**

2020-08-07 18:35:57